| | |
|---|---|
| «ТАСДИҚЛАНГАН»<br>«ALSKOM» Sug'urta Kompaniyasi<br>Aksiyadorlik Jamiyati<br>Кузатув Кенгаши раиси<br>_______________ Ж.Ш. Эгамбердиев<br>Кузатув Кенгашининг 17.03.2022 й.<br>15 – сонли баённомаси | «РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»<br>Ўзбекистон Республикаси<br>Молия Вазирлиги<br><br>Вазир ўринбосари<br>_______________ О.Р. Исаков<br>«11» апрел 2022й.<br>Р0170-17 -сон<br>М.Ў. |

# АКЦИЯЛАРНИ ҚЎШИМЧА ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР «ALSKOM» SUG'URTA KOMPANIYASI AKSIYADORLIK JAMIYATI

| Идентификация рақами берилди: | R | U | 1 | 1 | 7 | P | 0 | 1 | 7 | 0 | W | 7 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|

**хар бирининг номинал қиймати 1 380 (бир минг уч юз саксон) сўм бўлган 7 300 000 (етти миллион уч юз минг) дона эгасининг номи ёзилган оддий хужжатсиз акциялар**

**Мазкур чиқарилишдаги акциялар очиқ обуна (оммавий жойлаштириш) усулида жойлаштирилади.**

**Акцияларнинг ушбу чиқарилиши ўн еттинчи чиқарилишдир.**

**«ALSKOM» SK AJ Кузатув Кенгашининг 2022 йил “17” мартдаги 15 – сон баённомаси,**

**«ALSKOM» SK AJ Кузатув Кенгаши қарори асосида 2022 йил “17” мартдаги 15 – сон баённомаси.**

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почта манзили: **Ўзбекистон Республикаси, 100084, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси, 109 уй. info@alskom.uz.**
Телефон рақами: **(78) 147-11-00**

**Бош директор:** _______________ **Т.Ғ. Илёсов**

**Бош бухгалтер:** _______________ **С.Н. Содиқов**

«17» март 2022 й.

**1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли):** оддий.

**2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли:** ҳужжатсиз.

**3. Ушбу чиқарилишидаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм):** 1 380 (бир минг уч юз саксон) сўм.

**4. Ушбу чиқарилишидаги акцияларнинг сони (дона):** 7 300 000 (етти миллион уч юз минг) дона.

**5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм):** 10 074 000 000 (ўн миллиард етмиш тўрт миллион) сўм.

**6. Ушбу чиқарилишидаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:**

Акциядорлар:

- акциядорларининг реестрига киритилиш;
- депо ҳисобварагидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

Акциядорлар қонунчиликка ва жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:**

Устав ва чиқарилиш тўғрисидаги қарорга кўра оддий (овоз берувчи) акцияларнинг эгалари бўлган Жамият акциядорлари уларга тегишли оддий акцияларнинг миқдорига мутаносиб миқдорда ушбу чиқарилишдаги оддий (овоз берувчи) акцияларни имтиёзли равишда олиш ҳуқуқига эга. Имтиёзли олиш ҳуқуқининг муддати тугаганидан сўнг акциялар очиқ обуна бўйича сони чекланмаган инвесторлар орасида рекламадан фойдаланган ҳолда жойлаштирилади.

**8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм):** 30 107 954 040 (Ўттиз миллиард бир юз етти миллион тўққиз юз эллик тўрт минг қирқ) сўм.

**9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):** 21 817 358 дона акция, шундан: 21 762 358 дона оддий ва 55 000 дона имтиёзли акциялар.

**10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):** облигациялар чиқарилиши амалга оширилмаган.

**11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.**

**11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна):**

***(Ёпиқ обуна бўлган тақдирда, шунингдек акцияларни потенциал олувчилар доираси ҳам кўрсатилади).***

Акциялар очиқ обуна (оммавий жойлаштириш), акциядорларга ушбу чиқарилишдаги акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини бериш орқали жойлаштирилади.

**11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:**

***(Кўрсатилади: акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси ва тугатиш санаси ёки акцияларни жойлаштириш муддатини белгилаш тартиби. Агар акцияларни жойлаштириш муддати акцияларни чиқарилиши тўғрисидаги бирон-бир ахборотни ошкор қилиш санасини кўрсатган ҳолда белгиланса, шунингдек бундай ахборотни ошкор қилиш тартиби ҳам кўрсатилади.).***

Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг жойлаштириш муддати қўшимча акцияларни чиқарилиш тўгрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб бир йил (365 кун) мобайнида жойлаштирилади.

***Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси:*** акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи якунланган куннинг кейинги куни, лекин мазкур чиқарилишнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ахборот ошкор қилинган кунидан икки хафтадан эрта бўлмаган санада.

Агарда, жойлаштириш санаси дам олиш кунларига тўғри келса, ушбу ҳолатда жойлаштириш куни дам олиш кунидан кейинги биринчи иш кунига кўчирилади.

***Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси:*** сўнгги акциянинг жойлаштириш санаси, лекин акциялар чиқарилишининг давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб бир йил (365 кун) муддатдан ошмаган ҳолда.

**11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:**

***(Кўрсатилади: акциялар жойлаштирилишининг боришида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштириш амалга ошириладиган бозорлар.***

***Агар эмитент томонидан акцияларни жойлаштириш эмитентга акцияларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини (андеррайтерлар) жалб қилиш билан амалга оширилса, ҳар бир бундай шахс юзасидан қўшимча равишда қуйидагилар кўрсатилади:***

***тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;***

***профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган;***

***ушбу шахснинг асосий вазифалари, агарда эмитент ва унга қимматли қоғозларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи шахс ўртасидаги шартномада шу каби шартнома билан белгиланган муддатларда жойлаштирилмаган акцияларни охирги томонидан ўз ҳисобидан олиниши назарда тутилган бўлса, шунингдек ушбу муддат ва уни белгилаш тартиби.).***

Акцияларнинг очиқ обунаси фақат ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларида ўтказилади, акциядорлар томонидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш ҳолати бундан мустасно. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштириш пайтида фуқаролик битимларини тузиш, савдо ташкилотчиларининг қоидаларига ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг муомалага чиқарилишига фақат Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жойлаштириш тугагандан сўнг йўл қўйилади.

Мазкур чиқарилишдаги акцияларни жойлаштиришда қимматли қогозларни жойлаштириш бўйича хизмат кўрсатувчи қимматли қогозлар бозори профессионал иштирокчиларини (андеррайтерларни) жалб қилиш кўзда тутилмаган.

**11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:**

***Қимматли қогозлар Марказий депозитарийси тўгрисида маълумотлар:***

*Тўлиқ номланиши:* "Қимматли қогозлар Марказий депозитарийси" Давлат корхонаси

*Такшкилий-ҳуқуқий шакли:* Давлат унитар корхонаси.

*Жойлашган жойи ва почта манзили:* Ўзбекистон Республикаси, 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Мустақиллик кўчаси, 107 уй.

*Телефон рақами:* (71) 267-37-42, (71) 267-36-42.

Ушбу чиқарилишдаги акцияларга бўлган ҳуқуқни ҳисобга олиш "Portfolio Investments" масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилади.

***Хизмат кўрсатувчи инвестицион воситачи тўгрисида маълумотлар:***

*Тўлиқ номланиши:* «Portfolio Investments» масъулияти чекланган жамият

*Ташкилий - ҳуқуқий шакли:* Масъулияти чекланган жамият.

*Жойлашган жойи ва почта манзили:* Ўзбекистон Республикаси, 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Мустақиллик кўчаси, 107 уй.

*Телефон рақами: (71)* 267-75-75.

**11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:**

***(Жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилган тақдирда қуйидагилар кўрсатилади:***

***бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларнинг рўйхати тузилган сана (санани белгилаш тартиби);***

***жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш эҳтимоли тўгрисида билдириш тартиби;***

***жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби.).***

2022 йил "17" март ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрида қайд этилган Жамиятнинг оддий (овоз берувчи) акциялари эгалари бўлган акциядорлар қўшимча чиқарилишдаги акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга.

Акциядорлар қўшимча чиқарилишдаги акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўгрисида"ги Қонунининг 35 ва 36 моддаларига асосан уларга тегишли бўлган оддий (овоз берувчи) акциялар миқдорига мутаносиб равишда амалга оширади.

Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тегишли ахборот эълон қилинган кундан бошлаб 14 кунни ташкил этади. Бунда, акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида, Жамият акциядорларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш орқали жойлаштирилаётган акцияларни сотиб олишда уларнинг имтиёзли ҳуқуқидан фойдаланиш имконияти тўгрисида хабардор қилади. Эълонда жойлаштирилаётган акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш нархи, ҳар бир акциядор сотиб олишга ҳақли бўлган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби, акциядорларнинг бу ҳуқуқи амал қиладиган муддат ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маълумотлар бўлиши лозим.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядор акцияларни сотиб олиши тўғрисида ўзининг исми-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган акцияларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни Жамиятга юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақли. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида Жамиятга тақдим этилиши керак.

Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати, агар бу муддат ўтгунига қадар Жамиятнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, тугайди.

Имтиёзли ҳуқуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.

Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин қолган акциялар сони чекланмаган инвесторлар орасида жойлаштирилади.

**11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:**

***(акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади. Агар акцияларни жойлаштиришда акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилса, қўшимча равишда бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларга баҳо ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.).***

Акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган нархда, шу жумладан мазкур чиқарилишдаги акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларга, жойлаштирилади.

Мазкур чиқарилишдаги акцияларнинг жойлаштириш нархи, қимматли қогозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда Кузатув Кенгаши томонидан белгиланади.

**11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:**

***(Акцияларни тўлаш шартлари, тартиби, шу жумладан ҳисоб-китобларнинг шакли, кредит ташкилотларининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, уларнинг жойлашган жойи, акциялар тўланишига келиб тушадиган пул воситалари кўчирилиши лозим бўлган ҳисобварақларнинг банк реквизитлари, тўлов шохобчаларининг манзили (нақд пул шаклида тўланганда.).***

***Акциялар пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда акциялар тўланиши мумкин бўлган мол-мулк, тўлов шартлари бундай тўлов шароитида расмийлаштириладиган ҳужжатлар (мол-мулкни қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва ҳоказо) билан, шунингдек бундай мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун жалб қилинадиган баҳоловчи (баҳоловчилар) тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:***

***баҳоловчининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;***

***баҳолаш фаолиятини амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва лицензиянинг амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган.).***

Ушбу чиқарилишдаги акциялар учун тўловлар пул кўринишида амалга оширилади. Бунда, акциядорлар уларга ҳисобланган дивидендларни мазкур чиқарилишдаги акцияларни сотиб олиш учун йўналтириши мумкин.

Акциялар учун тўловлар қонунчиликда ҳамда қимматли қогозлар савдоси ташкилотчиларининг қоидаларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Юридик шахслар томонидан акциялар учун тўловлар пул ўтказиш йўли орқали, жисмоний шахслар томонидан эса накд пул ёки пластик карталари орқали амалга оширилади. Пул кўринишида бўлмаган тўловлар амалга оширилишига рухсат берилмайди.

Жамиятга хизмат кўрсатувчи банкнинг тўлиқ номи ҳамда жойлашган манзили: Акциядорлик тижорат “Алоқабанк” амалиёт бошқармаси. Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 4 уй.

Банк реквизитлари (сўм ҳисоб рақами): х/р 2020 8000 0001 5529 1001 АТ “Алоқабанк” Амалиёт бошқармаси, МФО 00401.

Жисмоний шахслар томонидан акциялар учун тўловлар накд пул кўринишида тижорат банклари кассалари орқали амалга оширилиши мумкин.

**11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:**

Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб тан олинган тақдирда, Жамият томонидан мазкур ҳолат бўйича расмий тарзда оммавий ахборот воситалари орқали, шу жумладан Жамиятнинг расмий веб-сайтида (www.alskom.uz), «Тошкент» РФБ АЖ веб-сайтида (www.uzse.uz) ҳамда Корпоратив маълумотлар ягона порталида (www.openinfo.uz) эълон қилинади.

Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб тан олинган кундан бошлаб, 10 кун мобайнида акциялар учун қабул қилинган тўловлар ўрнатилган тартибда қайтарилади.

**12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:**

Жамият фаолиятида муҳим фактлар вужудга келганлиги тўғрисидаги маълумотлар икки иш куни ичида Жамиятнинг расмий веб-сайтида (www.alskom.uz), «Тошкент» РФБ АЖ веб-сайтида (www.uzse.uz) ҳамда Корпоратив ахборотнинг ягона порталида (www.openinfo.uz) ошкора этилади.

Барча манфаатдор шахслар қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор ҳамда акциялар эмиссияси рисоласининг асл нусҳалари билан Жамиятга ташриф буюриб (Ўзбекистон Республикаси, 100202, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси, 109 уй) иш кунлари соат 10:00 дан 17:00 гача танишишлари мумкин.

Манфаатдор шахслар қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор ҳамда акциялар эмиссияси рисоласининг нусҳаларини Жамият номига ёзма сўровнома юбориш орқали олишлари мумкин.

Қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор ҳамда акциялар эмиссияси рисоласи Жамиятнинг расмий веб-сайтида (www.alskom.uz), «Тошкент» РФБ АЖ веб-сайтида (www.uzse.uz) ҳамда Корпоратив ахборотнинг ягона порталида (www.openinfo.uz) жойлаштирилади.

**13. Бошқа маълумотлар:**

Инвесторлар томонидан инвестицион қарор қабул қилиш мақсадида уларнинг ёзма сўровига асосан мазкур чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш билан боглиқ қўшимча (бошқа) маълумотлар тақдим этилиши мумкин.

**РАҚАМЛАНГАН ВА ТИКИЛГАН**

7 (етти) варақ

Бош директор ____________ Т.Ғ. Илёсов

Бош ҳисобчи ____________ С.Н. Содиков

«ТАСДИҚЛАНГАН»
«ALSKOM» Sug'urta Kompaniyasi Aksiyadorlik Jamiyati
Кузатув Кенгаши раиси
_______________ Ж.Ш. Эгамбердиев
Кузатув Кенгашининг 17.03.2022 й.
15 – сонли баённомаси

# АКЦИЯЛАР ЭМИССИЯСИ РИСОЛАСИ
# «ALSKOM» SUG'URTA KOMPANIYASI AKSIYADORLIK JAMIYATI

| Идентификация рақами берилди: | R | U | 1 | 1 | 7 | P | 0 | 1 | 7 | 0 | W | 7 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|

**хар бирининг номинал қиймати 1 380 (бир минг уч юз саксон) сўм бўлган 7 300 000 (етти миллион уч юз минг) дона жами 10 074 000 000 (ўн миллиард етмиш тўрт миллион) сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий хужжатсиз акциялар**

**Бош директор:** _______________ **Т.Ғ. Илёсов**

**Бош ҳисобчи:** _______________ **С.Н. Содиқов**

«17» март 2022 й.

**РЎЙХАТДАН ЎТКАЗУВЧИ ОРГАН УШБУ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ЭМИССИЯСИ РИСОЛАСИДАҒИ АХБОРОТНИНГ ТЎҒРИЛИГИ УЧУН ЖАВОБҒАР БЎЛМАЙДИ ВА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ФАКТИ БИЛАН ЖОЙЛАШТИРИЛАЁТГАН ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРГА НИСБАТАН ЎЗ МУНОСАБАТИНИ БИЛДИРМАЙДИ.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ 61-МОДДАСИГА МУВОФИҚ, ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИ ИНВЕСТИЦИЯ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА ТАНЛАШ ВА ШУНГА МУВОФИҚ УШБУ ТАНЛОВНИНГ ОҚИБАТЛАРИ ИНВЕСТОРНИНГ ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИДИР.**

**ЖАМИЯТЛАР РИСОЛАДА КЕЛТИРИЛГАН БАРЧА МАЪЛУМОТЛАР ИШОНЧЛИЛИГИ, ИНВЕСТОРЛАРНИ ЖАМИЯТЛАР ВА УЛАР ЖОЙЛАШТИРАДИГАН ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР МАСАЛАСИДА ЧАЛҒИТМАСЛИГИНИ ТАСДИҚЛАЙДИ.**

# 1-БОБ. ЖАМИЯТ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

**1. Жамияти номи.**
Тўлиқ номи - «ALSKOM» Sug'urta Kompaniyasi Aksiyadorlik Jamiyati;
Қисқартирилган номи - «ALSKOM» SK AJ.

**2. Жамиятнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар**:
**а)** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 24.09.1996 й. 813-сон;
**б)** Қайта рўйҳатдан ўтган 10.07.2014й. 109-сон;
**в) 12.08.1996 йилдан 19.08.2002 йилгача жамиятнинг тўлиқ номи:**
**Ўзбек тилида:** Ochiq aksiyadorlik jamiyati shaklidagi “ALSKOM” Sug’urta kompaniyasi O’zbekiston-Rossiya qo’shma korxonasi;
**Рус тилида:** Узбекско-Российское совместное предприятие страховая компания “ALSKOM” в форме открытого акционерного общества;
**Инглиз тилида:** Uzbek-Russian Joint-stock insurance company “ALSKOM”.
Жамиятнинг қисқартирилган номи уставда кўзда тутилмаган.

**20.08.2002 йилдан 09.07.2014 йилгача жамиятнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи:**
**Ўзбек тилида:** Очиқ турдаги “ALSKOM” Акциядорлик жамияти – Суғурта Компанияси, “АЛСКОМ”
**Рус тилида:** Страховая компания – акционерное общество открытого типа “ALSKOM”, “АЛСКОМ”;
**Инглиз тилида:** Joint-stock insurance company “ALSCOM”, “ALSCOM”.

**10.07.2014 йилдан бугунги кунга қадар жамиятнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи:**
**Ўзбек тилида:** “ALSKOM” Sug’urta Kompaniyasi Aksiyadorlik Jamiyati, “ALSKOM” SK AJ;
**Рус тилида:** Акционерное Общество Страховая Компания “ALSKOM”, АО СК “ALSKOM”;
**Инглиз тилида:** Joint-Stock Insurance Company “ALSKOM”, JS IC “ALSKOM”.
**г)** жамият қайта ташкил топмаган.

**3. Жамиятнинг жойлашган жойи, телефон ва факс рақамлари, расмий веб-сайт ва электрон почта маълумотлари.**
Ўзбекистон Республикаси, 100084 Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси, 109 уй. +99878 147-11-00, +99878 147-22-00, www.alskom.uz, info@alskom.uz.

**4. Жамиятнинг банк реквизитлари:**
х/р 20208000000155291001 АТ «Алокабанк», Амалиёт бошқармаси, МФО 00401.

**5. Жамиятнинг солиқ органи номи ва СТИР.**
Юнусобод тумани солиқ бошқармаси, СТИР 201941144.

**6. Давлат статистика органи томонидан берилган кодлар:**
ОКПО 16366022, СОАТО 1726294, ОКОНХ 96220, ОКЭД 65120, ОПФ 1150, ФС 144

**7. Рейтинглар мавжудлилиги ҳақидаги маълумотлар:**
Жамиятда рейтинг мавжуд эмас.

**8. Жамият филиаллари ҳамда вакилликлари тўғрисида маълумот.**

| | |
|---|---|
| Тўлиқ номи | **Тошкент шаҳар филиали** |
| Жойлашган манзили | Тошкент ш., Шахрисабз кўч., 7 уй. |
| Ташкил топган санаси | 21.05.2004 й. |
| Телефон рақами | +998712370294 |
| Тўлиқ номи | **Андижон филиали** |
| Жойлашган манзили | Андижон ш., Мустақиллик кўчаси |
| Ташкил топган санаси | 07.05.2004 й. |
| Телефон рақами | +998742375337 |
| Тўлиқ номи | **Хоразм филиали** |
| Жойлашган манзили | Ургенч ш., Ал Хоразмий кўч., 108/22 |
| Ташкил топган санаси | 01.11.2004 й. |
| Телефон рақами | +998622288211 |
| Тўлиқ номи | **Навоий филиали** |
| Жойлашган манзили | Навоий ш., Амира Темур кўч., 20/2 |
| Ташкил топган санаси | 01.11.2004 й. |
| Телефон рақами | +998362259214 |
| Тўлиқ номи | **Самарқанд филиали** |
| Жойлашган манзили | Самарқанд ш., Бобур Мирзо кўч., 5 уй |
| Ташкил топган санаси | 16.11.2004 й. |
| Телефон рақами | +998662338101 |
| Тўлиқ номи | **Бухоро филиали** |
| Жойлашган манзили | Бухоро ш., Иқбол, 2/1б |
| Ташкил топган санаси | 13.12.2004 й. |
| Телефон рақами | +998652235992 |
| Тўлиқ номи | **Қорақалпоғистон филиали** |
| Жойлашган манзили | Нукус ш., Тўрткул кўч, 19 |
| Ташкил топган санаси | 06.10.2005 й. |
| Телефон рақами | +998612247978 |
| Тўлиқ номи | **Сурхондарё филиали** |
| Жойлашган манзили | Термиз ш., А. Навоий кўч., 20/11 |
| Ташкил топган санаси | 06.11.2006 й. |
| Телефон рақами | +998762252641 |
| Тўлиқ номи | **Қашқадарё филиали** |
| Жойлашган манзили | Қарши ш., Ўзбекистон кўч, 361 |
| Ташкил топган санаси | 30.11.2007 й. |
| Телефон рақами | +998752262048 |
| Тўлиқ номи | **Жиззах филиали** |
| Жойлашган манзили | Жиззах ш., И.Каримов кўч, 15 |
| Ташкил топган санаси | 23.08.2008 й. |
| Телефон рақами | +998722262096 |
| Тўлиқ номи | **Фарғона филиали** |
| Жойлашган манзили | Фаргона ш., Б. Маргилоний, 30 |
| Ташкил топган санаси | 31.01.2008 й. |

| | |
|---|---|
| Телефон рақами | +998732444790 |
| Тўлиқ номи | **Тошкент вилоят филиали** |
| Жойлашган манзили | Тошкент вил., Ўртачирчик тумани, Қумовул МФЙ, Намуна маҳалласи |
| Ташкил топган санаси | 04.07.2008 й. |
| Телефон рақами | +998712930009 |
| Тўлиқ номи | **Наманган филиали** |
| Жойлашган манзили | Наманган ш., Б. Машраб кўч, 8 |
| Ташкил топган санаси | 30.01.2008 й. |
| Телефон рақами | +998692271310 |
| Тўлиқ номи | **Сирдарё филиали** |
| Жойлашган манзили | Гулистон ш., Махмудов кўч, 13А |
| Ташкил топган санаси | 30.01.2008 й. |
| Телефон рақами | +998672253525 |
| Тўлиқ номи | **Марказий филиали** |
| Жойлашган манзили | Тошкент ш., Чилонзор тумани 3,44/1. |
| Ташкил топган санаси | 01.06.2011 й. |
| Телефон рақами | +998712712678 |
| Тўлиқ номи | **Қўқон филиали** |
| Жойлашган манзили | Қўқон шаҳри, Фурқат, 100 |
| Ташкил топган санаси | 06.11.2017 й. |
| Телефон рақами | +998735418586 |
| Тўлиқ номи | **Орол филиали** |
| Жойлашган манзили | Беруний тумани, Жуманиёзов кўчаси. |
| Ташкил топган санаси | 18.09.2018 й. |
| Телефон рақами | +998615248484 |
| Тўлиқ номи | **Андижон шаҳар филиали** |
| Жойлашган манзили | Андижон тумани, Дархон МФЙ, Истеъдод кўчаси |
| Ташкил топган санаси | 01.06.2018 й. |
| Телефон рақами | +998742235007 |
| Тўлиқ номи | **Денов филиали** |
| Жойлашган манзили | Денов шаҳри, Мустақиллик, 51 А |
| Ташкил топган санаси | 01.06.2018 й. |
| Телефон рақами | +998764131203 |
| Тўлиқ номи | **Тараққиёт филиали** |
| Жойлашган манзили | Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 25 уй |
| Ташкил топган санаси | 10.11.2020 й. |
| Телефон рақами | +998954761100 |
| Тўлиқ номи | **1-сонли Суғурта хизматлари маркази** |
| Жойлашган манзили | Тошкент шаҳри, Шайҳонтоҳур тумани, Зулфияхоним кўчаси, 15/56 |
| Ташкил топган санаси | 15.09.2021 й. |
| Телефон рақами | +998712416646 |

**9. Шуъба ва (ёки) тобе юридик шахслар тўғрисида маълумот.**

Жамиятнинг шуъба юридик шахслари тўғрисидаги маълумотлар:

| | |
|---|---|
| Тўлиқ номи | **«ALSKOM TRANS SERVIS» масъулияти чекланган жамият** |
| Жойлашган манзили | Тошкент ш., Юнусобод тумани, Амир Темур кўч., 109 |
| Ташкил топган сана | 03.03.2008й. |
| СТИР | 206953008 |
| Жамият улушининг миқдори (%) | Жамият ушбу ташкилотда 100% улушга эга |
| Телефон рақами | +998935637501 |
| Юридик шахсни жамиятга нисбатан шуъба деб топиш учун асос | Жамият ушбу ташкилотда 100% улушга эга |
| Тўлиқ номи | **«FAROVON SUG'URTA» aksiyadorlik jamiyati** |
| Жойлашган манзили | Тошкент ш., Юнусобод тумани, Амир Темур кўч., 109 |
| Ташкил топган сана | 10.04.2018й. |
| СТИР | 305472880 |
| Жамият улушининг миқдори (%) ва унга тегишли овоз берувчи акциялар сони | Жамият ушбу ташкилотда 99,26% улушга ёки 3 183 400 дона оддий (овоз берувчи) акцияларга эга |
| Телефон рақами | +998781471100 |
| Юридик шахсни жамиятга нисбатан шуъба деб топиш учун асос | Жамият ушбу ташкилотда 99,26% улушга эга |

Жамиятнинг тобе юридик шахслари мавжуд эмас.

**10. Жамиятнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида жойлашган саноат, банк, молиявий гуруҳлар, холдинглар, концернлар, уюшмалар, қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларига тегишлилиги, товар, валюта, фонд, бошқа биржалардаги аъзолиги, уларнинг тўла номлари ва манзиллари кўрсатилган ҳолда.**

| | | |
|---|---|---|
| Уюшмалар | Ўзбекистон суғурта бозори профессионал иштирокчилари уюшмаси | Тошкент ш., Махтумкули 2-тор кўч, 8 уй. |

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари ушбу уюшма билан боглиқ эмас.

**11. Жамиятнинг ташкилий тузилмаси:**

Жамиятнинг ташкилий тузилмаси мазкур рисолага илова қилинади.

**12. Ишчиларнинг охирги 3 йил учун ўртача йиллик сони (одамлар):**

| Категория | 2019 й. | 2020 й. | 2021 й. |
|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| Жамиятнинг асосий фаолияти бўйича банд бўлган ходимлар | 231 | 174 | 161 |
| Маъмурий-бошқарув ходимлари | 141 | 134 | 100 |
| Жами: | **372** | **308** | **261** |

**13. Жамият устав капиталининг 5 ва ундан ортиқ фоизига эга бўлган ташкилотлар тўғрисида маълумотлар (ушбу илованинг 11-бандида кўрсатилган юридик шахслар бундан мустасно).**

| | |
|---|---|
| Тўлиқ номи | **«ALSKOM TRANS SERVIS» масъулияти чекланган жамият** |
| Жойлашган манзили | Тошкент ш., Юнусобод тумани, Амир Темур кўч., 109 |
| Ташкил топган сана | 03.03.2008й. |
| СТИР | 206953008 |
| Жамият улушининг миқдори (%) | Жамият ушбу ташкилотда 100% улушга эга |
| Телефон рақами | +998935637501 |
| Тўлиқ номи | **«FAROVON SUG'URTA» aksiyadorlik jamiyati** |
| Жойлашган манзили | Тошкент ш., Юнусобод тумани, Амир Темур кўч., 109 |
| Ташкил топган сана | 10.04.2018й. |
| СТИР | 305472880 |
| Жамият улушининг миқдори (%) ва унга тегишли овоз берувчи акциялар сони | Жамият ушбу ташкилотда 99,26% улушга ёки 3 183 400 дона оддий (овоз берувчи) акцияларга эга |
| Телефон рақами | +998781471100 |
| Тўлиқ номи | **"ALSKOM-MED SERVIS" mas`uliyati cheklangan jamiyati** |
| Жойлашган манзили | Тошкент шаҳри, Зулфияхоним кўчаси, 18/56 |
| Ташкил топган сана | 26.08.2020 |
| СТИР | 307673455 |
| Жамият улушининг миқдори (%) | Жамият ушбу ташкилотда 7,7% улушга эга |
| Телефон рақами | +998 712416646 |

**14. Корпоратив бошқарув кодексининг жамият томонидан қабул қилинган санаси (агар Низомда уни қабул қилиш кўзда тутилган бўлса).**

Корпоратив бошқарув кодекси жамият томонидан 10.04.2017й. қабул қилинган.

**15. Жамият қимматли қоғозларини харид қилиш ҳақида қарор қабул қилиш учун ошкор қилиниши муҳим деб билган бошқа маълумотлар:** Бошқа маълумотлар мавжуд эмас.

## 2-БОБ. КЕЛГУСИ ҚИММАТЛИ ҚОГОЗЛАР ЧИҚАРИЛИШИНИ МУОМАЛАГА КИРИТИШ ШАРТЛАРИ

**16. Келгуси акциялар чиқарилиши шартлари.**

**а) чиқарилишдаги акциялар тури (оддий ва/ёки имтиёзли):** оддий;

**б) чиқарилишдаги акциялар миқдори:** 7 300 000 (етти миллион уч юз минг) дона;

**в) чиқарилишдаги акциянинг номинал қиймати, сўмда:** 1380 (бир минг уч юз саксон) сўм;

**г) чиқарилишнинг умумий ҳажми, сўмда:** 10 074 000 000 (ўн миллиард етмиш тўрт миллион) сўм;

**д) акцияларни жойлаштириш муддати ва тартиби:**

Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг жойлаштириш муддати қўшимча акцияларни чиқарилиш тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб бир йил (365 кун) мобайнида жойлаштирилади.

**Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси:** акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи якунланган куннинг кейинги куни, лекин мазкур чиқарилишнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўгрисидаги ахборот ошкор қилинган кунидан икки хафтадан эрта бўлмаган санада.

Агарда, жойлаштириш санаси дам олиш кунларига тўғри келса, ушбу ҳолатда жойлаштириш куни дам олиш кунидан кейинги биринчи иш кунига кўчирилади.

**Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси:** сўнгги акциянинг жойлаштириш санаси, лекин акциялар чиқарилишининг давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб бир йил (365 кун) муддатдан ошмаган ҳолда.

Акцияларнинг очиқ обунаси фақат ташкил этилган қимматли қогозлар савдоларида ўтказилади, акциядорлар томонидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш ҳолати бундан мустасно. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштириш пайтида фуқаролик битимларини тузиш, савдо ташкилотчиларининг қоидаларига ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг муомалага чиқарилишига фақат Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жойлаштириш тугагандан сўнг йўл қўйилади.

Мазкур чиқарилишдаги акцияларни жойлаштиришда қимматли қогозларни жойлаштириш бўйича хизмат кўрсатувчи қимматли қогозлар бозори профессионал иштирокчиларини (андеррайтерларни) жалб қилиш кўзда тутилмаган.

2022 йил “17” март ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрида қайд этилган Жамиятнинг оддий (овоз берувчи) акциялари эгалари бўлган акциядорлар қўшимча чиқарилишдаги акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга.

Акциядорлар қўшимча чиқарилишдаги акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 35 ва 36 моддаларига асосан уларга тегишли бўлган оддий (овоз берувчи) акциялар миқдорига мутаносиб равишда амалга оширади.

Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тегишли ахборот эълон қилинган кундан бошлаб 14 кунни ташкил этади. Бунда, акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида, Жамият акциядорларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш орқали жойлаштирилаётган акцияларни сотиб олишда уларнинг имтиёзли ҳуқуқидан фойдаланиш имконияти тўғрисида хабардор қилади. Эълонда жойлаштирилаётган акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш нархи, ҳар бир акциядор сотиб олишга ҳақли бўлган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби, акциядорларнинг бу ҳуқуқи амал қиладиган муддат ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маълумотлар бўлиши лозим.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядор акцияларни сотиб олиши тўғрисида ўзининг исми-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган акцияларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни Жамиятга юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга

оширишга ҳақли. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида Жамиятга тақдим этилиши керак.

Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати, агар бу муддат ўтгунига қадар Жамиятнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, тугайди.

Имтиёзли ҳуқуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.

Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин қолган акциялар сони чекланмаган инвесторлар орасида жойлаштирилади.

**е) тўлов усули ва жойлаштириладиган акциялар нархи (қиймати);**

Акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган нархда, шу жумладан мазкур чиқарилишдаги акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларга, жойлаштирилади.

Мазкур чиқарилишдаги акцияларнинг жойлаштириш нархи, қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда Кузатув Кенгаши томонидан белгиланади.

Ушбу чиқарилишдаги акциялар учун тўловлар пул кўринишида амалга оширилади. Бунда, акциядорлар уларга ҳисобланган дивидендларни мазкур чиқарилишдаги акцияларни сотиб олиш учун йўналтириши мумкин.

Пул кўринишида бўлмаган тўловлар амалга оширилишига рухсат берилмайди.

**ж) акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби**

Ушбу чиқарилишдаги акциялар учун тўловлар пул кўринишида амалга оширилади. Бунда, акциядорлар уларга ҳисобланган дивидендларни мазкур чиқарилишдаги акцияларни сотиб олиш учун йўналтириши мумкин.

Акциялар учун тўловлар қонунчиликда ҳамда қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг қоидаларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Юридик шахслар томонидан акциялар учун тўловлар пул ўтказиш йўли орқали, жисмоний шахслар томонидан эса нақд пул ёки пластик карталари орқали амалга оширилади. Пул кўринишида бўлмаган тўловлар амалга оширилишига рухсат берилмайди.

Жамиятга хизмат кўрсатувчи банкнинг тўлиқ номи ҳамда жойлашган манзили: Акциядорлик тижорат “Алоқабанк” амалиёт бошқармаси. Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 4 уй.

Банк реквизитлари (сўм ҳисоб рақами): х/р 2020 8000 0001 5529 1001 АТ “Алоқабанк” Амалиёт бошқармаси, МФО 00401.

Жисмоний шахслар томонидан акциялар учун тўловлар нақд пул кўринишида тижорат банклари кассалари орқали амалга оширилиши мумкин.

**з) ушбу чиқарилишнинг акцияларини сотиб олишга бўлган чекловалар:**

Устав ва чиқарилиш тўғрисидаги қарорга кўра оддий (овоз берувчи) акцияларнинг эгалари бўлган Жамият акциядорлари уларга тегишли оддий акцияларнинг миқдорига мутаносиб миқдорда ушбу чиқарилишдаги оддий (овоз берувчи) акцияларни имтиёзли равишда олиш ҳуқуқига эга. Имтиёзли олиш ҳуқуқининг муддати тугаганидан сўнг акциялар очиқ обуна бўйича сони чекланмаган инвесторлар орасида рекламадан фойдаланган ҳолда жойлаштирилади.

**и) инвестор томонидан сотиб олинган акциялар бўйича олинган даромадни солиққа тортиш тўғрисидаги маълумот.**

Инвестор томонидан сотиб олинган акциялар бўйича ҳисобланган дивидендлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ солиққа тортилади.

**к) акцияларни чиқаришдан мақсад**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 02 августдаги ПҚ-4412-сонли Қарорига асосан суғурта ташкилотлари устав капиталлари миқдорларига қўйилган талабларни бажариш, жамиятнинг молиявий барқарорлигини ошириш, яқин истиқболда суғурта фаолиятини кенгайтириш.

**л) акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар тўлови сифатида жамият олган маблағларни қайтариш тартиби:**

Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб тан олинган тақдирда, Жамият томонидан мазкур ҳолат бўйича расмий тарзда оммавий ахборот воситалари орқали, шу жумладан Жамиятнинг расмий веб-сайтида (www.alskom.uz), «Тошкент» РФБ АЖ веб-сайтида (www.uzse.uz) ҳамда Корпоратив маълумотлар ягона порталида (www.openinfo.uz) эълон қилинади.

Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб тан олинган кундан бошлаб, 10 кун мобайнида акциялар учун қабул қилинган тўловлар ўрнатилган тартибда қайтарилади.

**м) аввалги акциялар чиқарилиши тўғрисидаги маълумотлар**

**2020 йилда:**

давлат рўйхатидан ўтиш санаси ва рақами, чиқаришнинг идентификация рақами: 24.01.2020 й., НИН: RU115P0170W1 (№P0170-15)

жойлаштиришни бошлаш санаси: 12.02.2020 й.;

жойлаштиришни якунлаш санаси: 30.06.2020 й.;

муомалага чиқиш санаси: 30.06.2020 й.

акцияларнинг номинал қиймати, сўмда: 1380 сўм;

акциялар чиқарилишиниг умумий хажми, сўмда: 10 005 000 000 сўм;

чиқарилган акцияларнинг умумий сони, дона: 7 250 000 дона;

чиқарилган акцияларнинг тури ва уларнинг турлари бўйича миқдори (оддий акциялар, дона, имтиёзли акциялар, дона): 7 250 000 дона оддий акциялар;

умумий чиқарилиш ичидан жойлаштириладиган акциялар фоизи, тўлиқ жойлаштирмаслик сабаби (тўлиқ жойлаштирилмаган тақдирда): акциялар тўлиқ 100 фоиз жойлаштирилган;

акцияларни чиқаришдан мақсад: Қонунчилик талабига мувофиқ устав капиталини ошириш.

**2020 йилда:**

давлат рўйхатидан ўтиш санаси ва рақами, чиқаришнинг идентификация рақами: 29.08.2020 й., НИН RU116P0170W6 (№P0170-16)

жойлаштиришни бошлаш санаси: 17.09.2020 й.;

жойлаштиришни якунлаш санаси: 19.08.2021 й.;

муомалага чиқиш санаси: 19.08.2021 й.

акцияларнинг номинал қиймати, сўмда: 1380 сўм;

акциялар чиқарилишиниг умумий хажми, сўмда: 5 009 400 000 сўм;

чиқарилган акцияларнинг умумий сони, дона: 3 630 000 дона;

чиқарилган акцияларнинг тури ва уларнинг турлари бўйича миқдори (оддий акциялар, дона, имтиёзли акциялар, дона) 3 630 000 дона оддий акциялар;

умумий чиқарилиш ичидан жойлаштириладиган акциялар фоизи, тўлиқ жойлаштирмаслик сабаби (тўлиқ жойлаштирилмаган тақдирда): акциялар тўлиқ 100 фоиз жойлаштирилган;

акцияларни чиқаришдан мақсад: Қонунчилик талабига мувофиқ устав капиталини ошириш.

**н) сўнгги 3 йил учун ҳисобланган ва тўланган дивидендлар тўғрисида маълумот:**

| Акция турлари бўйича | 2019 йил якуни бўйича* | | 2020 йил якуни бўйича** | | 2021 йил якуни бўйича*** | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | ҳисобланган (млн.сўм) | тўланган (млн.сўм) | ҳисобланган (млн.сўм) | тўланган (млн.сўм) | ҳисобланган (млн.сўм) | тўланган (млн.сўм) |
| **Оддий акциялар** | 1 501,77 | 1 500,54 | - | - | - | - |
| **Имтиёзли акциялар** | 53,13 | 53,13 | 53,13 | 53,13 | - | - |

**2019 йил якуни бўйича оддий акциялар эгаларига ҳисобланган дивидендлар акциядорларнинг реквизитлари мавжуд бўлмаганлиги сабабли, тўлиқ тўланмаган.*

***2020 йил якуни бўйича оддий акцияларга дивидендлар ҳисобланмаган.*

****Мазкур эмиссия рисоласи тасдиқланган кунга қадар Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилмаган ва дивидендлар ҳисобланмаган.*

**о) мавжуд акцияларни бирлаштириш ёки тақсимлаш санаси ва сабаблари тўғрисида маълумотлар:**

Жамият акциялари бирлаштирилмаган (йириклаштирилмаган) ва тақсимланмаган (майдаланмаган).

**п) охирги йил учун акциялар нархларининг тақсимланиши, биржа ёки биржадан ташқарида савдоларда расмий рўйхатдан ўтказилган юқори ва пастки нархлар кўрсатилган ҳолда:**

Сўнгги йилда Жамиятнинг бир дона акцияси учун биржа ва биржадан ташқари савдоларда қуйидаги нархлар қайд этилган юқори - 1800 сўм, пастки - 1350 сўм.

**р) акциялар реализация қилинадиган жойлар (қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчисининг номи ва унинг маълумотлари):**

Имтиёзли ҳуқуқ асосида акциядорлар томонидан сотиб олинадиган акциялар хизмат кўрсатувчи инвестицион воситачиси «Portfolio Investments» масъулияти чекланган жамият орқали жойлаштирилади.

Жойлашган жойи ва почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик кўчаси, 107 уй. Телефон рақами: (71) 267-75-75.

Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин қолган акциялар сони чекланмаган инвесторлар орасида “Тошкент” РФБ АЖнинг савдо майдончалари орқали жойлаштирилади.

